

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ШОДМОНОВА ГУЛНОЗА ЭРКИНОВНА

**ТРАНСГЕН (ВТ) ГЎЗА АСОСИДА КЕМИРУВЧИ ҲАШАРОТ
(*HELICOVERPA ARMIGERA*) ГА БАРДОШЛИ БЎЛГАН СЕЛЕКЦИОН
АШЁ ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Шодмонова Гулноза Эркиновна

Трансген (BT) ғўза асосида кемирувчи ҳашарот (*Helicoverpa armigera*) га бардошли бўлган селекцион ашё яратиш..... 3

Шодмонова Гулноза Эркиновна

Создание исходного материала, устойчивого к грызущим вредителям (*Helicoverpa armigera*) на основе трансгенного (BT) хлопчатника..... 19

Shodmonova Gulnoza Erkinovna

Developing new breeding material resistant to (*Helicoverpa armigera*) on the base of BT cotton..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ШОДМОНОВА ГУЛНОЗА ЭРКИНОВНА

**ТРАНСГЕН (ВТ) ГЎЗА АСОСИДА КЕМИРУВЧИ ҲАШАРОТ
(*HELICOVERPA ARMIGERA*) ГА БАРДОШЛИ БЎЛГАН СЕЛЕКЦИОН
АШЁ ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Qx516-рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибрагимов Паридун Шуқурович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арамов Музаффар Ҳошимович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори., профессор

Бобоев Сайфулло Ғофурович
биология фанлари доктори., доцент

Етакчи ташкилот:

**ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар
экспериментал биологияси институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01-рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (539094 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги __ -рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё қишлоқ хўжалигида зараркунандаларнинг салбий таъсири 1,4 триллион долларга тенг деб баҳоланиб, глобал ялпи ички маҳсулотнинг 5% ни ташкил этиши аниқланган¹. Бугунги кунда пахтачиликнинг асосий эътибори: ғўзанинг турли стресс омилларга табиий бардошли, ҳосилдор, тола сифати юқори ҳамда инсон саломатлиги учун безарар бўлган янги навларини яратишга қаратилган. Шунинг учун, янги ғўза навлари селекциясида қимматли-хўжалик белгиларни янада яхшилаш билан бир қаторда ноёб белги ва хусусиятларга эга, жумладан, ғўза тунлами (*Helicoverpa armigera*) га нисбатан бардошли бўлган донорларни аниқлаш асосида янги бошланғич ашёларни яратиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёнинг пахтачилик билан шуғулланувчи хорижий мамлакатлардаги олимларнинг ягона кураш чораси трансген ўсимлик билан бойитилган ғўза навларини етиштириш ҳисобланади. Ҳозирги кунда АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Бразилия ва Австралия давлатларида ВТ генли ғўза навлари 18 миллион га майдонни эгалламоқда. ВТ ген иштирокида олинган шакллар кемирувчи ҳашаротларга қарши кескин кураш чора сифатида жаҳонда қабул қилинди. XXI асрнинг бошида Америкалик олимлар Д.Бёрд, П.Такстон ва бошқа олимлар ВТ ген намуналарни маданий навлар билан чатиштириш жараёнига жалб этишни бошлашган. Лекин, ушбу кемирувчи ҳашаротларга бардошлилик хусусиятини неча йил сақланиши ҳанузгача маълум эмас. Бироқ Хитой, Покистон ва Австралия олимлари ушбу ВТ генга бардошли бўлган ҳашаротларни мослашиши неча йилда амалга ошишига боғлиқдир деб фикр билдиришади, чунки озиқланиш ва авлод қолдириш мақсадида ғўза тунлами кескин ВТ генга мослашиш хусусиятига эга бўлади.

Республикамызда экилаётган ўрта толали ғўза навлари тезпишарлик билан хорижий нав-намуналардан бирмунча афзалликларга эга. Бироқ, кейинги йилларда юз бераётган экологик ўзгаришлар ҳамда турли зараркунандалар янги популяцияларининг пайдо бўлиши, селекционерлар зиммасига янги вазифаларни қўймоқда. Ўзбекистонда ВТ ген намуналари ҳанузгача экилмаётганлиги сабабли ВТ генли намунадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг 3.3. бандида «...касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» муҳим стратегик вазифа сифатида белгилаб берилган².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси

¹www.FAO.org

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабрдаги ВМ-1037-сон «2019 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда ушбу соҳага таълуқли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўзанинг ҳашаротларга бўлган иммунитет тизими ҳамда сўрувчи ва кемирувчи зараркундаларга, хусусан ўргимчаккана ва ғўза тунламига бўлган бардошлилик хусусиятларини ўрганиш бўйича кўплаб йирик олимлар, тадқиқотчилар илм фанга янгилик киритишган.

Бактерия *Bac.turingiensis* штаммлари 200 дани ортиқ ВТ токсинлар ишлаб чиқаради. Бу токсинлар турли хил ҳашаротларга захарлидир. Ҳозирги кунда ушбу бактерия генлари ғўза хужайра ядросига киритилиб, эндотоксин захарли модда ишлаб чиқарадиган оқсилларни ишлаб чиқаради. Буларни шартли равишда Сгу эндотоксин гуруҳига киритилади. Ушбу эндотоксинлар ҳашаротнинг ичида эриб, Сгу токсиннинг молекулалари эпителиал хужайраларда ўзгариб ион каналлар ҳосил қилади ва калий моддасининг кўпайишига олиб келади. Бу ҳолатда калий ионларининг бошқаруви бузилганлиги туфайли эпителиал хужайранинг нобуд бўлишига олиб келади ва ҳашаротлар ўлади. Шу бактерия генлари ўсимликлар хужайра ядросида жойлашганлиги учун бу ҳам каррали бўлинади ва авлоддан авлодга ўтади.

L. Shvetsova, A.D. Herring, S.P. Singh каби олимлар ғўза тунлами асосан ғўза, беда, соя, кунгабоқар, окжўхори, маккажўхори ва помидор экинларини зарарлаб, уларнинг ҳосил элементлари билан озиқланишини аниқладилар. Ғўза тунламининг урғочи капалаги тухумини асосан ғўза шонасига қўйишини ва ундаги ривожланиш даражаси юқори эканлигини аниқлашган. Ғўзани ғўза тунламига бардошли бўлган толерант намуналарни яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий ишлари режасининг ҚХА-8-044 «Андоза навларидан тола ҳосилдорлиги бўйича 25-30% га устунлик қилган вилтга чидамли навни яратиш ва давлат комиссияси грунтназоратига топшириш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳаси ҳамда Тошкент давлат аграр университетининг илмий ишлар режасининг ҚХ-ЁА-ҚХ-2018-55 «Узоқлашган жўғрофик дурагайлаш услубида *Helicoverpa armigera* га бардошли бирламчи селекцион ашё яратиш» (2018-2019 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. ВТ ген намунасида фойдаланиб, маҳаллий навларга ушбу ноёб белгини ўтказиш ва бошқа хўжаликка қимматли бўлган белгилар билан мужассамлаштириш ҳамда ғўза тунламига бардошли бўлган намуналарни таҳлил қилиш билан бирга селекция ишлари учун бошланғич ашёлар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ВТ ген намунани маҳаллий навлар билан реципрок ҳолда чатиштириш ва сунъий шароитда уларнинг ирсийланишини ўрганиш;

F₁-F₆ дурагай авлодларда кемирувчи хашаротларга бардошлилик белгисини сақланишини ўрганиш ва оилаларда белгилар орасидаги боғланишларни аниқлаш;

яратилган янги тизмаларга андоза навлар билан таққослаб тўлиқ тавсиф бериш ва табиий ҳолда айрим морфоҳўжалик белгиларини аниқлаш;

хўжаликка қимматли бўлган белгиларни авлоддан-авлодга ирсийланиш даражасини аниқлаш;

кичик нав синаш кўчатзорларида янги яратилган тизмаларни синовдан ўтказиш ва навдорликни давлат талаб даражасига етказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий навлар С-6524, Шодиёна, Наманган-77, С-2610, ВТ намунаси ва оддий дурагайлари ВТ х С-6524, С-6524 х ВТ, ВТ х Шодиёна, Шодиёна х ВТ, ВТ х С-2610, С-2610 х ВТ, ВТ х Наманган-77, Наманган-77 х ВТ ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети дурагай авлодларида ВТ ген таъсирида кемирувчи хашаротларга сунъий шароитда бардошлилик хусусиятини таҳлил қилиш ва улар асосида белгиларнинг барқарорлигини шакллантириш ҳамда асосий қимматли хўжалик белгилари ва тола сифати кўрсаткичларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала шароитида маҳаллий навлар ва улар иштирокида олинган дурагайларнинг сунъий ҳолда ғўза тунлами билан зарарлантирилган ва қолган ҳосилни ҳамда тола сифати аниқланган. Олинган ҳосилни ПСУЕАИТИ да қабул қилинган ҳосил элементларни баҳолаш ва таҳлил қилиш умумий услубда олиб борилган. Ҳар бир дурагайлардан намуналар терилиб лаборатория шароитида бир дона кўсак вазни, 1000 дона чигит вазни, тола чиқими ҳамда тола сифати аниқланган. Толанинг сифат кўрсаткичлари ЎзР «Сифат» Марказида замонавий НВИ қурилмасида аниқланган. Барча математик ва статистик таҳлиллар Б.А.Доспехов кўрсатган услублари асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ҳиндистоннинг Майко Сид компаниясидан ВТ ген намунаси тадқиқотларга жалб этилди. Бу ноёб ген ғўза хужайра ядросида жойлашганлиги сабабли мейоз жараёнида бўлиниб, ирсийланиши ҳосил элементларини сақлаганлиги бўйича исботланган ва таҳлил қилинган;

якка танловлар олиб бориш натижасида ғўза тунламига бардошлиликнинг ирсийланиши ўрганилган ҳамда ирсийланиш коэффициенти аксарият ҳолда юқори бўлганлиги аниқланган;

белгилар орасидаги коррелятив боғлиқликлар ВТ ген орқали олинган дурагайлаш натижасида ижобий томонга оғиши маълум бўлиб, тезпишарлик ва ғўза тунламига бардошлилик белгилари бир генотипда мужассамланганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларида ВТ ген мавжудлиги ва маҳаллий навлар билан частиштириш натижасида F_1 дурагайларда доминант ҳолда сақланиб, кемирувчи ҳашаротларга бардошли бўлган 7 та дурагай комбинациялар ажратилган;

мақсадли якка танловларни олиб бориш натижасида F_3 авлодидан бошлаб табиий ҳолда ғўза тунламига ўта бардошли бўлган оилалар яратилди ва улар бошқа хўжаликка қимматли бўлган белгилар билан ижобий боғланганлиги маълум бўлди;

ўрганилган тезпишар ва кемирувчи ҳашаротларга нисбатан бардошли бўлган F_5 - F_6 оилалардан тола сифати IV-V типга жавоб берадиган тизмалар ажратишга муваффақ бўлинди ва андоза навлардан ўз устунлигини намоён этди;

тадқиқотлар натижасида яратилган Л-208, Л-214 ва Л-229 тизмалар ғўза тунламига бардошлилиги асосида 4,2-4,7 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга ишлов бериш, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги ва изланишлар натижалари амалиётда фойдаланилганлиги; тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация иши натижалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикада биринчи мартаба якка танловлар олиб бориш натижасида ғўза тунламига бардошлиликнинг ирсийланиши ҳамда ирсийланиш коэффициенти аксарият ҳолда юқори бўлганлиги, белгилар орасидаги коррелятив боғлиқликлар ВТ ген орқали олинган дурагайлаш натижасида ижобий томонга оғиши маълум бўлиб, тезпишарлик ва ғўза тунламига бардошлилик белгилари бир генотипда мужассамланганлиги ҳамда янги генетик жиҳатидан бойитилган ноёб белгига эга бўлган селекцион ашёлар яратиш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти ғўза тунламига бардошли, генетик жиҳатдан бойитилган, ижобий белгилар мажмуасига эга бўлган бир қатор оила ва тизмалар амалий селекция жараёнида қўлланилмоқда, тадқиқотлар натижасида тезпишар (100-105 кун), маҳсулдор, тола сифати IV-V типга жавоб

берадиган 7 та оила ва 3 та тизма билан Республика ғўза генофонди бойитилганлиги, ғўзанинг тезпишар, генотипик жихатдан бир хил бўлган бир қатор оила ва тизмаларни ажратиб олинганлиги ва генетик-селекцион тадқиқотларда дастлабки манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги амалий исботланганлиги ҳамда янги С-2616 ғўза навини яратилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўза селекциясида трансген (BT) ғўза асосида кемирувчи ҳашарот (*Helicoverpa armigera*) га бардошли бўлган янги ашёлар яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари асосида:

тезпишар, қимматли хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга бўлган ҳамда ғўза тунламига бардошли 3 та тизма ПСУЕАИТИнинг «Ғўзанинг дунёвий коллекцияси ва интродукцияси» лабораториясига топширилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 05/020-3599-сон маълумотномаси). Натижада ушбу тизмалар янги навлар яратиш дастурига киритилган ва ПСУЕАИТИнинг ғўза генофонди бойитилган;

илмий тадқиқот изланишлари натижасида BT ген намуналаридан фойдаланиб, ушбу ноёб белги маҳаллий навларга ўтказилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 05/020-3599-сон маълумотномаси). Натижада қимматли-хўжалик белгилар бир генотипда мужассамлаштирилиб, ғўза тунламига бардошли бўлган намуналар таҳлил қилиниб, селекция ишлари учун 8 та бошланғич ашёлар яратилган;

комплекс белгилари юқори кўрсаткичларга эга ва тола сифати IV типга жавоб берадиган 3 та (Т-208, Т-214, Т-229) тизма яратилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 05/020-3599-сон маълумотномаси). Натижада улар 2019 йилда назорат кўчатзорида ўрганилиб, андоза С-6524 навидан ўз устунлигини намоён этган;

тола ҳосилдорлиги юқори, тезпишар, юқори тола индексли янги С-2616 нави яратилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 05/020-3599-сон маълумотномаси). Натижада ушбу навнинг наводорлиги 98 фоиз бўлганлиги маълум бўлди ва Тошкент вилояти Қибрай тумани Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг марказий тажриба хўжалигида 0,4 га майдонда бирламчи уруғчилик кўчатзорлари ташкил этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Ёўзанинг ёўза тунлами (*Helicoverpa armigera*)га қарши биологик ва ген муҳандислик чораларининг таҳлили ва *Verticillium dahliae* Kleb касаллигига бардошлилиги ҳамда белгиларнинг корреляцион боғлиқликлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзусининг мақсад ва вазифалари юзасидан республикамиз ва хорижда олиб борилган илмий-тадқиқотлар шарҳи, хусусан ёўзанинг ёўза тунламига бардошлилиги, ривожланиши ҳамда ютуқлари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари, вилт касаллиги билан зарарланиш ва қимматли-хўжалик белгиларнинг бир-бирига боғлиқлиги бўйича бир қанча олимлар томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳда келтирилган ва таҳлил қилинган илмий натижалар диссертацияда кўтарилган муаммо юзасидан керакли ва етарли даражада маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратади.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароити, объектлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида олиб борилган тадқиқотларнинг манбаи ва унинг тавсифлари, тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба олиб бориш жойи ва шароити, лаборатория ва дала шароитларида, селекцион-генетик изланишларни амалга ошириш борасидаги ишлар, олинган натижаларни таҳлил қилишда қўлланилган статистик услублар каби маълумотлар баён қилинган. Тажрибалар 2013-2019 йиллар мобайнида амалга оширилганлиги, хусусан, тажрибалар дала ва сунъий шароитларда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ИТИнинг “Иммунология ва сунъий иқлим” лабораториясида олиб борилганлиги келтирилган. Тадқиқотларда маҳаллий навлар С-6524, Шодиёна, Наманган-77, С-2610, ва ВТ намунаси ва улар иштирокида олинган ВТ х С-6524, С-6524 х ВТ, ВТ х Шодиёна, Шодиёна х ВТ, ВТ х С-2610, С-2610 х ВТ, ВТ х Наманган-77, Наманган-77 х ВТ дурагайлари ҳамда сунъий яратилган фонда ва дала шароитида асосий қимматли-хўжалик белгилар бўйича ўрганилди ва лаборатория шароитида маълумотлар таҳлил қилинди. Тадқиқотларда келтирилган барча маълумотлар Б.П.Доспехов кўрсатилган услублари ёрдамида математик ишловдан ўтказилди.

Диссертациянинг «ВТ генли намуна иштирокидаги F₁ дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларини ирсийланиши» деб номланган учинчи бобида Ҳиндистоннинг «Mahico Seed» компаниясидан кемирувчи ҳашаротларга бардошли бўлган ВТ генли намуна келтирилган. Ушбу намуна ПСУЕАИТИ нинг «Фитотрон» шароитида зараркунандалар билан сунъий зарарлантирилган ҳолда маҳаллий навлар билан таққослаб ўрганилган ва кемирувчи ҳашаротларга бардошлилиги тажрибалар асосида аниқланди. Лекин ҳосилдорлик, тезпишарлик, тола сифати каби қимматли хўжалик белгилари бўйича маҳаллий навлар бирмунча устунлиги кузатилди. Қимматли-хўжалик белгилар бўйича кўрсаткичларни яхшилаш зараркунандаларга бардошлилик белгисининг ирсийланишини таҳлил қилиш мақсадида 4 та маҳаллий Наманган-77, С-6524, С-2610 ва Шодиёна навлари билан реципрок усулда частиштириш ишлари олиб борилди ва 8 та F₁ ВТ x С-6524, F₁ С-6524 x ВТ, F₁ ВТ x Шодиёна, F₁ Шодиёна x ВТ, F₁ ВТ x С-2610, F₁ С-2610 x ВТ, F₁ ВТ x Наманган-77 ва F₁ Наманган-77 x ВТ дурагай комбинациялари олинди. Тадқиқотларда F₁ дурагай комбинацияларни вегетация даври, бош поя баландлиги, симподиал шохлар сони, кўсақлар сони, бир дона кўсақдаги пахта вазни, маҳсулдорлик, ғўза тунлами билан зарарланиши, вертициллёз вилт касаллиги билан зарарланиши, тола чиқими, тола узунлиги каби белгилар бўйича ўрганиб чиқилди. Ҳиндистондан келтирилган ВТ генли намуна, маҳаллий навлар ва улар иштирокида олинган F₁ дурагай комбинациялар ПСУЕАИТИ нинг «Фитотрон» мажмуасида ғўза тунламига бардошлилиги ўрганилганда ВТ генли намунада 1,8 фоиз кўсақлар зарарланганлиги, маҳаллий навларда 17,9 фоиз (Шодиёна нави) дан, 20,0 фоиз (Наманган-77 нави) гача кўсақлари зарарланганлиги кузатилди. (1-расм)




1-расм. Навлар ва F₁ дурагай комбинацияларнинг ғўза тунлами билан зарарланиш бўйича кўрсаткичлари, 2014 й.

F₁ дурагай комбинацияларда 2,5 фоиз (F₁ ВТ х Шодиёна) дан, 4.1 фоиз (F₁ Наманган-77 х ВТ) гача кўсақлар зарарланганлиги аниқланди. ВТ генли намуна оналик сифатида иштирок этган дурагай комбинацияларда ғўза тунлами билан зарарланган кўсақлар фоизи камроқ бўлди (1-расм). Доминантлик ҳолати кузатилганда F₁ С-6524 х ВТ, F₁ Шодиёна х ВТ ва F₁ Наманган-77 х ВТ дурагай комбинацияларда ижобий доминантлик ҳолати кузатилди. F₁ ВТ х С-6524 ва F₁ ВТ х Шодиёна дурагай комбинацияларида салбий доминантлик ҳолати ва бошқа дурагай комбинацияларда оралик ҳолатда бўлганлиги кузатилди.

Диссертациянинг «ВТ генли намуна иштирокидаги F₂ дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларини ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобида маҳсулдорлик, тезпишарлик, бир дона кўсақдаги пахта вазни, ҳосил шохлари сони, кўсақлар сони ва вилт касаллиги билан зарарланиши бўйича ўзгарувчанлик кўрсаткичлари келтирилган.

Тажрибаларимизга асосланиб, шундай хулосага келиш мумкинки, ВТ генли намуна маҳаллий навлар билан чапиштириш ишлари олиб борилганда ғўзанинг қимматли-хўжалик белгилари бўйича тадқиқотлар олиб бориш натижасида ўзгарувчанлиги маҳаллий навларда ВТ намунасига нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди.

Диссертациянинг «ВТ намунаси F₃-F₄ дурагайларини айрим морфоҳўжалик белгилари кўрсаткичлари ҳамда белгиларнинг бир-бирига боғлиқлигини ўрганиш» деб номланган бешинчи бобида F₃-F₄ дурагайларини айрим морфоҳўжалик белгилари кўрсаткичлари келтирилган. ПСУЕАИТИнинг «Иммунология ва сунъий иқлим» лабораториясида ўрганилган F₃ дурагайларини айрим морфоҳўжалик белгилари ўзгарувчанлиги ва маҳсулдорлиги билан хўжаликка қимматли белгилари орасидаги боғланиши ўрганилди (2-расм).



2-расм. ВТ ва F₃ дурагайларини ғўза тунламига бардошлилигини (маҳсулдорлик) бошқа хўжаликка қимматли белгилар билан боғлиқлиги, 2015 й.

Тажрибада F_3 дурагайлари ва маҳаллий навлар ҳамда ВТ намунасини оилалар бўйича ўзгарувчанлиги аниқланган бўлиб, аксарият белгилар бўйича дурагай комбинацияларда қимматли-хўжалик белгилар юқори кўрсаткичларга эга бўлганилигини кузатилди. Тадқиқотларимизда ғўза тунламига бардошлиликни маҳсулдорлик орқали аниқладик. Маҳсулдорлик билан тезпишарлик орасида корреляция коэффициентлари 0,43 дан 0,72 бўлганлиги аниқланди. Энг кучли даражадаги корреляция Шодиёна нави ва F_3 ВТхС-2610 дурагайида кузатилди. Бошқа маҳаллий навлар ва дурагайлар билан эса бу белгилар орасидаги корреляция сезиларли даражада бўлмади, яъни бу белгилар орасидаги боғлиқлик навлар ва дурагайларни келиб чиқишига бевосита тааллуқлидир. Микронейр кўрсаткичи билан боғлиқлиги кам, яъни 0,07 дан 0,16 гача бўлганлиги аниқланди, чунки бу белгилар турли генлар билан бошқарилиши маълум бўлди.

Шундай қилиб, энг юқори маҳсулдорликка эга бўлган навларни яратишда якка танловларнинг тезпишар, йирик кўсақли ва тола чиқими бўйича танлаш ва чиқитга чиқариш ишларини жадаллаштириш лозим.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар натижасида яратилган янги селекцион ашёларни синаш натижалари» деб номланган олтинчи бобида F_3 - F_5 дурагай авлодларда хўжаликка қимматли белгиларнинг бир-бирига боғлиқлиги, уларнинг ирсийланиши ва назорат ҳамда кичик нав синаш кўчатзорида янги яратилган тизмаларни таснифи келтирилган.

Келтирилган 1-жадвалда F_3 - F_5 дурагай авлодларда вегетация даврини якунида дала ва лаборатория таҳлилларидан сўнг маҳсулдорлик белгисининг бошқа хўжаликка қимматли белгилар билан боғлиқлигини аниқладик. Маҳсулдорлик ва вегетация даври белгилари орасида F_3 авлод дурагайларида кучсиз салбий корреляция мавжудлиги, яъни -0,19 дан -0,32 гача бўлди.(1-жадвал)

Бундай салбий боғланишни ижобий ҳолат деб қабул қилиш мумкин, чунки вегетация даври рақамлари қисқарганда очилган кўсақлар сони ошиб бормоқда ва бу эса маҳсулдорликни юқори бўлишига олиб келади. Авлодлар рақами ошиб борганда тезпишар ўсимликлар бўйича якка танловлар олинганда корреляция коэффициентлари авлоддан-авлодга ўсиб бориши маълум бўлди. F_4 авлодда корреляция коэффициенти -0,51 га етган бўлса F_5 авлодда бу рақам -0,71 ни ташкил этди. Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимизда эртапишар ўсимликларни ажратиш билан маҳсулдорликни оширишга эришилди. Кўсақлар сони ва маҳсулдорлик билан боғланиш бўйича кўп олимлар бир фикрни, яъни кучли ижобий корреляция мавжудлигини таъкидлашган. Чунки ўсимликнинг маҳсулдорлиги тўлиқ кўсақлар сонига боғлиқдир ва серҳосил, яъни кўсақлар сони кўп бўлган якка танловлар маҳсулдорликни оширишга олиб келди. Агарда F_3 авлодда корреляция 0,4-0,5 ни ташкил этган бўлса F_5 авлодда корреляция кучли даражага етиб 0,72-0,81 бўлганлиги маълум бўлди.

Маҳсулдорлик билан тола чиқими орасидаги корреляцион боғланишлар кўп олимларнинг фикрича кучсиз даражада кузатилади. Бундай фикр фақатгина бир авлодни ўрганганда асосли бўлиши мумкин. Лекин сунъий якка танловлар

ишларини олиб бориш натижасида яъни тезпишар, кўсаклар сони кўп бўлган ва юқори маҳсулдорликка эга бўлган якка танловларда чигитлар тўлиқ пишган бўлиб тола индекси бирмунча юқори бўлишига олиб келиниши натижасида авлоддан-авлодга бу кўрсаткичлар кучсиз даражадан ўрта даражага етиши мумкин. Демак маҳсулдорликка оид бўлган белгиларнинг юқори кўрсаткичга эга бўлган якка танловлар юқори авлодларга келиб ушбу белгиларнинг мужассамлашган генотипларни ажратишга олиб келади.

1-жадвал

Ғ₃-Ғ₅ дурагай авлодларда маҳсулдорлик белгисини қимматли-хўжалик белгилари билан боғлиқлиги, 2016-2018 йй.

Дурагай авлод	Маҳсулдорлик											
	Вегета-ция даври		Кўсаклар сони		Тола чиқими		Тола узунлиги		1000 дона чигит вазни		Микро-нейр	
Ғ ₂ -Ғ ₃	r	tr	r	tr	R	tr	r	tr	r	tr	r	tr
Ғ ₃ (BLxС-6524)	-0,3	1,5	0,4	1,2	0,20	1,7	0,3	1,7	0,4	1,6	0,3	1,8
Ғ ₃ (С-6524xBL)	-0,20	1,4	0,42	1,2	0,18	1,8	-0,2	1,9	0,51	1,7	0,25	1,9
Ғ ₃ (BLxШодиёна)	-0,32	1,6	0,5	1,1	0,25	1,6	-0,3	1,3	0,52	1,9	0,17	1,9
Ғ ₃ (ШодиёнаxBL)	-,19	1,7	0,39	1,3	0,30	1,5	0,18	1,4	0,50	1,8	0,08	1,8
Ғ ₃ BLxС-2610	-0,25	1,2	0,44	1,3	0,18	1,4	0,25	1,6	0,43	1,4	0,11	1,6
Ғ ₃ (BLx Наманган-77)	-0,26	1,3	0,41	1,4	0,22	1,5	0,31	1,5	0,39	1,5	0,25	1,5
Ғ ₃ (Наманган-77xBL)	-0,19	1,3	0,55	1,0	0,27	1,6	-0,22	1,3	0,40	1,6	0,23	1,6
Ғ ₃ -Ғ ₄												
Ғ ₄ (BLxС-6524)	-0,42	1,1	0,58	1,0	0,32	1,5	0,4	1,4	0,47	1,5	0,4	1,7
Ғ ₄ (С-6524xBL)	-0,44	1,2	0,59	1,1	0,27	1,6	0,08	1,8	0,55	1,6	0,35	1,6
Ғ ₄ (BLxШодиёна)	-0,38	1,3	0,61	1,0	0,30	1,4	0,17	1,6	0,6	1,6	0,44	1,7
Ғ ₄ (ШодиёнаxBL)	-0,51	1,4	0,66	1,1	0,35	1,4	0,32	1,4	0,45	1,3	0,41	1,8
Ғ ₄ (BLxС-2610)	-0,44	1,4	0,57	1,0	0,40	1,2	0,23	1,5	0,39	1,2	0,39	1,5
Ғ ₄ (BLx Наманган-77)	-0,38	1,4	0,71	1,2	0,17	1,7	0,19	1,6	0,46	1,4	0,38	1,4
Ғ ₄ (Наманган-77xBL)	-0,50	1,3	0,77	1,2	0,33	1,5	0,25	1,4	0,49	1,3	0,46	1,7
Ғ ₄ -Ғ ₅												
Ғ ₅ (BLxС-6524)	-0,56	1,1	0,72	1,1	0,29	1,8	0,38	1,5	0,53	1,3	0,55	1,6
Ғ ₅ (С-6524xBL)	-0,61	1,0	0,74	1,1	0,35	1,7	0,42	1,6	0,72	1,2	0,57	1,6
Ғ ₅ (BLxШодиёна)	-0,71	1,0	0,66	1,3	0,36	1,6	0,25	1,7	0,71	1,1	0,62	1,7
Ғ ₅ (ШодиёнаxBL)	-0,59	1,2	0,75	1,0	0,35	1,5	0,35	1,5	0,66	1,2	0,64	1,7
Ғ ₅ (BLxС-2610)	-0,66	1,3	0,81	1,0	0,41	1,4	0,08	1,9	0,59	1,3	0,49	1,8
Ғ ₅ (BLx Наманган-77)	-0,69	1,9	0,77	1,1	0,29	1,7	0,40	1,6	0,67	1,4	0,61	1,5
Ғ ₅ (Наманган-77xBL)	-0,54	1,6	0,80	1,0	0,31	1,8	0,35	1,7	0,68	1,5	0,66	1,6

Маҳсулдорлик билан 1000 дона чигит вазни ижобий боғланганлигини кузатиш мумкин. Маълумки, пахтанинг вазнининг 60-65 фоизи чигитлардан иборатдир. Шунинг учун чигитлар қанча кўп бўлса ва оғир бўлса, маҳсулдорлик ҳам юқори бўлади. Бизнинг тадқиқотларимизда Ғ₃ авлодида маҳсулдорлик билан 1000 дона чигит вазни орасидаги корреляция 0,4-0,5 ни ташкил этган бўлса, Ғ₅ авлодда бу кўрсаткич 0,7 дан ошганлиги аниқланди.

Толанинг сифат белгилари маҳсулдорлик билан деярли кучли даражада боғланмаган ва ушбу белгиларнинг ирсийланиши алоҳида намоён бўлади. Якка танловлар натижасида F_3 - F_5 авлодларда толанинг узунлиги ва микронейр белгиларининг маҳсулдорлик билан боғлиқлиги аксарият кучсиз ижобий ҳолатда бўлганлиги маълум бўлди.

Шундай қилиб, селекция ишларида олиб бориладиган белгилар бўйича якка танловларнинг самараси юқори бўлди ва F_5 авлодга келиб комплекс белгиларнинг юқори кўрсаткичлари бир ўсимликда жипслашиши ва фенотипик корреляциянинг максимал ҳолга ўсиши номоён бўлди.

Белгиларнинг ирсийланиши селекция жараёнидаги асосий омиллардан биридир. Кўп белгилар кучли даражада ташқи муҳит шароитларга боғлиқ ҳолда шаклланади. Полиген белгиларнинг ирсийланиши юқори даражада кузатилмайди, чунки таъминланадиган кичик белгилар ўзи алоҳида ирсийланиб асосий белгининг ирсийланишига салбий ёки ижобий таъсир кўрсатади. Бизнинг тадқиқотларда F_3 - F_5 авлодларда дурагай комбинацияларнинг маҳсулдорлик, кўсақлар сони ва тола индекси билан ирсийланиши ўрганилган. Маҳсулдорлик жуда мураккаб белги бўлиб, кўсақлар сони, чигитлар сони, чигитлар вазни ва тола индекси белгилар кўрсаткичларига боғлиқдир. Шунинг учун ушбу белгиларнинг йиғиндисини инобатга олган ҳолда ирсийланиш юқори даражада бўлмайди. F_2 авлодда олинган якка танловларнинг F_3 авлоддаги оилаларида ирсийланиш коэффициенти 0,25-0,34 гача бўлганлиги, F_4 авлодда эса 0,36-0,42 гача ҳамда F_5 авлодда 0,52-0,71 гача бўлганлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

F_3 - F_5 дурагай авлодларда хўжаликка қимматли белгиларнинг ирсийланиши, 2016-2018 йй.

Дурагай-лар	$h^2 F_2/F_3$			$h^2 F_3/F_4$			$h^2 F_4/F_5$		
	Маҳсулдорлик	Кўсақлар сони	Тола индекси	Маҳсулдорлик	Кўсақлар сони	Тола индекси	Маҳсулдорлик	Кўсақлар сони	Тола индекси
ВТхС-6524	0,28	0,22	0,32	0,38	0,31	0,48	0,68	0,43	0,54
С-6524хВТ	0,25	0,28	0,33	0,42	0,36	0,49	0,59	0,45	0,61
ВТхШодиёна	0,32	0,27	0,34	0,35	0,42	0,46	0,71	0,68	0,66
ШодиёнахВТ	0,27	0,21	0,35	0,46	0,53	0,48	0,66	0,64	0,53
ВТхС-2610	0,30	0,26	0,40	0,49	0,37	0,50	0,58	0,57	0,59
ВТх Наманган-77	0,34	0,5	0,36	0,36	0,40	0,43	0,52	0,48	0,69
Наманган-77х ВТ	0,32	0,29	0,31	0,41	0,47	0,46	0,63	0,66	0,58

Маҳсулдорлик белгиси авлоддан-авлодга юқори даражада ирсийланганлиги маълум бўлди. Сермаҳсул ўсимликларни компонентлари бўйича таҳлил қилиниб, энг кўп кўсақлар сони, 1000 дона чигит вазнининг 120 граммдан юқори бўлганлиги ва тола индекси 6 граммдан ошган кўрсаткичлари бўйича ҳар авлодда якка танлов ва оиласини текшириш орқали селекция

ишлари олиб борилган ва натижада ирсийланиш коэффициенти F_5 авлодга келиб 0,7 ни ташкил этди. Бу рақамлар белгиларнинг барқарор бўлганлиги тўғрисида далолат беради.

Ҳосилдорликни асосий омилларидан бири бу бир туп ғўзадаги кўсақлар сонидир. Кўсақнинг йириклиги эмас, балки уларнинг сони маҳсулдорликни таъминлайдиган белги ва бу ўз навбатида, паратипик ўзгарувчанликка лойиқдир. Чунки кўсақлар миқдори бу ўсув шохлари сони ва стресс омилларга бардошлилик хусусиятларига боғлиқдир. Тадқиқотларда кўсақлар сони бўйича F_3 - F_5 авлодларда ирсийланиши аниқланди. F_3 авлодда ирсийланиш коэффициенти 0,21-0,5 гача бўлган бўлса, F_4 авлодда 0,31-0,53 гача F_5 авлодда эса 0,68 гача бўлганлиги кузатилди.

Шундай қилиб, тўрт йил давомида маҳсулдорликни асосий белгиси кўсақлар сони бўйича яқка танлов ишлар олиб борилиши бу белгининг генлари куммулятив ҳолга келиб, ўз аддитив самарасини намоён этишга олиб келди.

Юқоридагиларга асосланиб, селекция жараёнида мақсадли яқка танлов ишларини олиб бориш ва уларнинг авлодларини текшириш натижасида ирсийланиш коэффициенти авлоддан-авлодга қараб ошиб бориши ва селекция жараёнини самарасини юқори бўлишига олиб келади.

«Яратилган янги тизмаларни оилалар бўйича ва кичик нав синаш кўчатзорида андоза нави билан таққослаш натижалари» деб номланган бўлимида кичик нав синаш кўчатзори селекция жараёнини натижаларининг биринчи босқич синови деб кўрсатилган. Бунда назорат кўчатзорида юқори белгиларга эга бўлган ва андоза навидан ҳамда бошқа оилалардан устун келган оилаларнинг авлоди яъни тизмалар синовда иштирок этишади. Бизнинг тадқиқотларимизда кичик нав синаш кўчатзорида “Иммунология ва сунъий иқлим” лабораториясини тажриба участкасида 3 тақрорда Т-208, Т-214 ва Т-229 тизмалари андоза С-6524 нави билан таққосланиб ўрганилди (3-жадвал).

3-жадвал

Кичик нав синаш кўчатзорида янги тизмаларнинг андоза нави билан таққослаш натижалари, 2019 й.

Нав ва тизмалар	Ўсимлик бўйи, (см)	Ќўза тунлами билан зарарланиши, (дона)	Ҳосилдорлик (ц/га)	Стандартга нисбатан, (%)	Тезпишарлик, (кун)	Кўсақ вазни (гр)	Тола чикими (%)	Тола ҳосилдорлиги (ц/га)	Стандартга нисбатан, (%)	Вилт билан зарарланиши (ум. %)
St. С-6524	114,1	320	26,4		115,2	5,4	33,0	8,7		68,5
Т-208 F_6 (С-6524хВТ)	118,3	35	30,2	117,5	112,3	6,0	37,4	11,3	129,8	14,8
Т-214 F_6 (ВТх Шодиёна)	120,2	38	31,5	119,3	112,6	6,3	36,9	11,6	133,3	18,4
Т-229 F_6 (С-2610хВТ)	118,8	26	31,0	117,4	113,4	6,5	37,7	11,7	134,4	16,2
ЭКҲФ ₀₅			2,1		2,7			2,2		

Вегетация даврининг август ойи охирида ўсимликларнинг бўйи ва тезпишарлик белгилари ҳар бир тизманинг ўсимликлари бўйича ўлчаб ва санаб чиқилди. Тезпишарликни ҳар бир ўсимликда биринчи кўсак очилган кунини белгилаб униб чиққан кундан бошлаб ҳисобланиб такрорлар сонига бўлиб аниқланди. Бошқа белгиларни намуна терим йиғиб олингандан сўнг лаборатория шароитида ўрганилди.

Ўсимликлар бўйи бўйича янги яратилган тизмалар андоза навидан 4-6 смга баланд бўлди ва кўшимча 1-2 шохни кўпроқ ҳосил қилди. Шунинг натижасида умумий ҳосилдорлик 4-5 ц/га юқори бўлганлиги маълум бўлди. Агарда андоза С-6524 навида сентябр ойи ҳосили 26,4 центнерни ташкил этган бўлса, Т-214 тизмада ушбу кўрсаткич 31,5 ц/гача юқори эканлиги аниқланди. Бошқа иккита тизмалар 30-31 ц/га ҳосилни намоён этди. Шундай қилиб, ВТ ген асосида яратилган янги тизмаларнинг ҳосилдорлик бўйича устунлиги ЭКХФ₀₅ дан юқори бўлиб ҳақиқий устунлиги кузатилди. Андоза навидан биринчи терим ҳосили 17-19 фоизга юқори бўлганлиги аниқланиб, вегетация даври 2-3 кунга қисқа бўлди ва 112-113 кунни ташкил этди.

Кўсақлар янги тизмаларда анча йирик бўлиб 6,5 граммгача бўлиб, чаноқлар ва чигитлар сони кўп бўлганлиги учун бир граммга юқори бўлди. Тола чиқими ҳозирги кунда энг муҳим назарий белгилардан бири бўлиб янги тизмаларнинг андоза навидан устунлиги 3,5-4,5% ни ташкил этди. Энг юқори тола чиқими Т-229 тизмасида 37,7% бўлди ва шунинг натижасида тола ҳосилдорлиги ҳам андоза навидан 34,4% га устун бўлди.

Т-208 ва Т-214 тизмаларда ҳам тола ҳосилдорлиги бўйича 28,8-33,3% га юқорилиги кузатилди. Вилт касаллиги билан умумий даражада зарарланиши бўйича эса андоза нави 68,5%, янги тизмалар эса 14,8-18,4% гача зарарланганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, кичик нав синаш кўчатзорида ўрганилган янги тизмалар устунлиги намоён бўлиб, ушбу тизмаларни 2020 йилда катта нав синаш кўчатзорига ва ташкилотлараро комиссияси назоратига тавсия этилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Сунъий шароитда, яъни ҳар бир ўсимликда бир донадан ғўза тунлами жойлашган ҳолатда Ҳиндистондан келтирилган ВТ генли намуна маҳаллий навларга нисбатан *Helicoverpa armigera* га бардошлилик хусусияти 5-6 баробар юқори бўлганлиги аниқланди.

2. ВТ намуна маҳаллий навлар билан равон чатишиши ва F₀ чигитлар яхши ривожланиб тажрибалар учун етарли миқдорда олинди ва чатишиш самараси 75-82 фоизни ташкил этди.

3. Ўрганилган F₁ дурагайларда маҳаллий навларнинг қисқа вегетация даври Ҳиндистондан келтирилган намунадан ўз устунлигини намоён этди ва аксарият дурагайларда ўта доминантлик ҳолати кузатилди. Маҳсулдорлик белгиси бўйича биринчи авлод дурагайлари дала шароитда ота-она шаклларига нисбатан паст бўлганлиги аниқланди ва нотўлиқ доминантлик ҳолатни намоён этди.

4. Биринчи авлод дурагайларида ғўза тунламига бардошлилик хусусияти тўлиқ намоён бўлди, зарарланган кўсаклар сони ота-она шакллариغا нисбатан 7-10 баробар кам бўлганлиги маълум бўлди. Доминантлик коэффициенти реципрок дурагайларда нотўлиқ, яъни $h_p < 1$ нотўлиқ доминант ҳолати кузатилди ва цитоплазматик генларнинг таъсири йўқлиги исботланди, чунки ушбу дурагайларнинг фарқи ЭКХФ₀₅ дан кам бўлди.

5. F₂ дурагайларда вегетация даври билан 90-100 кунгача бўлган трансгрессив ўсимликлар барча олинган дурагай комбинацияларда ажради ва маҳсулдорлиги 90 граммдан юқори бўлган ўсимликлар ажратиб олинди. Бундай юқори маҳсулдорлик бизнинг фикримизча *Helicoverpa armigera* га бардошли бўлганлиги ва узоклашган жўғрофий дурагайлаш натижасидир.

6. Тадқиқотлар натижасида F₃ дурагайларида ғўза тунламига бардошлилиги билан (маҳсулдорлик) бошқа хўжаликка қимматли белгилар орасидаги боғлиқлиги ўрганилганда деярли барча комбинацияларда ўрта ва кучли ижобий ҳолатда бўлганлиги, микронейр кўрсаткичи билан эса боғлиқлик йўқлиги аниқланди ва ушбу белгилар алоҳида ирсийланиши маълум бўлди.

7. F₄-F₅ дурагай оилаларда селекция ишлари натижасида тола чиқими ва сифати юқори кўрсаткичларга эга бўлганлиги ҳамда бир дона кўсак вазни 7 граммдан юқори бўлган генотипларни ажратиб олишга эришилди.

8. Бир неча йиллардан буён олиб борилган якка танловлар натижасида олтинчи авлодга келиб кўсак йириклиги 6.8-8.4 грамм, тола чиқими 39-40 фоиз, микронейр 4,3-4,4, тола узунлиги 1,14-120 дюйм ва тола бир хиллиги 84 фоиздан юқори бўлган тизмалар ажратиб олинди.

9. *Vertillium dahileae* Kleb замбуруғлари билан табиий ҳолда зарарланган муҳитда янги яратилган тизмалар вилт касаллигига бардошлик хусусияти бўйича андоза С-6524 навидан ўз устунлигини яққол кўрсатганлиги маълум бўлди. Бунда вилт касаллиги билан зарарланиши андоза навига нисбатан деярли барча селекцион ашёларда 5-6 баробар кам бўлганлиги аниқланди.

10. *Helicoverpa armigera* га бардошли бўлган бактерияларнинг мавжудлиги туфайли андоза С-6524 нави билан таққослаганда аксарият белгилар бўйича янги 3 та тизмалар юқори кўрсаткичларга эга бўлганлиги аниқланди, ушбу тизмаларни селекция жараёнида бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкин.

11. Изланишлар натижасида яратилган ғўзанинг янги тезпишар, тола ҳосили ва сифатли юқори бўлган С-2616 нави ҳамда Т-208, Т-214 ва Т-229 тизмалари генетик-селекцион тадқиқотларда бошланғич манба сифатида фойдаланиш учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ШОДМОНОВА ГУЛНОЗА ЭРКИНОВНА

**СОЗДАНИЕ ИСХОДНОГО МАТЕРИАЛА, УСТОЙЧИВОГО К
ГРЫЗУЩИМ ВРЕДИТЕЛЯМ (*HELICOVERPA ARMIGERA*) НА ОСНОВЕ
ТРАНСГЕННОГО (ВТ) ХЛОПЧАТНИКА**

06.01.05 – Селекция и семеноводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/Qx516.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Ибрагимов Паридун Шукурович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Арамов Музаффар Хошимович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Бобоев Сайфулло Гофурович
доктор биологических наук, доцент

Ведущая организация:

Институт Генетики и экспериментальной биологии растений АН Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 539094). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.

(реестр протокола рассылки номер ____ от «__» _____ 2019 года).

Б.А.Сулаймонов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

Я.Х.Юлдашов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., доцент

М.М.Адиллов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом сельском хозяйстве негативное влияние вредителей оценивается в 1,4 триллиона долларов США или 5% от валового внутреннего продукта³. В настоящее время основное внимание хлопководства направлено на создание сортов, толерантных к различным стрессовым факторам, урожайных, с высоким качеством волокна, а также безвредных для здоровья людей. Поэтому в селекции хлопчатника, наряду с дальнейшим улучшением хозяйственно-ценных признаков, одной из актуальных проблем является создание нового исходного материала, обладающего уникальными признаками и свойствами, в том числе на основе определения доноров, толерантных к хлопковой совке (*Helicoverpa armigera*).

На сегодняшний день основной мерой борьбы учёных хлопкосеющих зарубежных стран мира является возделывание трансгенных сортов хлопчатника. В настоящее время в США, Китае, Индии, Бразилии и Австралии 18 миллионов гектар заняты под хлопчатником с ВТ геном. Во всём мире, в качестве массовой борьбы против грызущих насекомых, признано возделывание форм, выведенных с участием ВТ гена. В начале XXI века американские селекционеры Д.Бёрд, П.Такстон и другие учёные начали привлекать в процесс скрещивания с культурными сортами образцы с ВТ геном. Однако до сих пор неизвестно, сколько лет может сохраняться свойство толерантности к данным грызущим вредителям. Китайские, пакистанские и австралийские учёные считают, что это связано со сроком приспособляемости этих вредителей к ВТ гену, поскольку с целью питания и оставления потомства хлопковая совка обладает сильной приспособляемостью к ВТ гену.

Высеваемые в республике средневолокнистые сорта хлопчатника по скороспелости обладают значительным преимуществом перед зарубежными сортообразцами. Однако, происходящие в последние годы экологические изменения, а также возникновение новых популяций различных вредителей, ставят перед селекционерами новые задачи. Поскольку в Узбекистане до сих пор не возделываются образцы с ВТ геном, целесообразно использование образцов с геном ВТ. В пункте 3.3 Указа Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» в качестве важной стратегической задачи отмечено «...расширение научно-исследовательских работ по созданию и внедрению в производство новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивых к болезням и вредителям, адаптированных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям»⁴.

³ www.FAO.org

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан за УП-4947 от 07 февраля 2017 г «О Стратегии Действии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № ПП-2460 «О мероприятиях по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства в 2016-2020 годах» от 29 декабря 2015 года и Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № КМ-1037 «О прогнозных объемах производства хлопка-сырца и сортовом размещении хлопчатника в 2019 году» от 22 декабря 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. По изучению системы иммунитета растений к насекомым, а также, к сосущим и грызущим вредителям, в частности, особенностей толерантности к паутинному клещу и хлопковой совке, работали многие крупные учёные и исследователи которые достигли определённых результатов.

